

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA’LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

2.2020

**научно-методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2020

“ILM SARCHASHMALARI” ilmiy-metodik jurnal
Bosh muharrir dotsent **Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV**

	TAHRIR HAY’ATI:
JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN	ABDULLAYEV Bahrom, fizika-matematika fanlari doktori, ABDULLAYEV Ikrom, biologiya fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV Ilyos, iqtisod fanlari doktori, ABDULLAYEV Ravshanbek, tibbiyot fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV O‘tkir, tarix fanlari doktori, ANNAMURATOVA Svetlana, pedagogika fanlari doktori, professor, ALEUOV O‘serboy, pedagogika fanlari doktori, professor, BOBOJONOV Bozorboy, fizika-matematika fanlari doktori, BERDIMUROTOVA Alima, falsafa fanlari doktori, professor, DAVLETOV Sanjarbek, tarix fanlari doktori (bosh muharrir o‘rinbosari), DO‘SCHONOV Tangribergan, iqtisod fanlari doktori, professor, ERMATOVA Jamila, filologiya fanlari nomzodi, dotsent, HAJIYEVA Maqsuda, falsafa fanlari doktori, IBRAGIMOV Zafar, fizika-matematika fanlari nomzodi, IMOMQULOV Sevdiyor, fizika-matematika fanlari doktori, JO‘RAYEV Mamatqul, filologiya fanlari doktori, professor, JUMANIYAZOV Maqsud, texnika fanlari doktori, professor, JUMANIYOZOV Otaboy, filologiya fanlari nomzodi, professor, NAVRUZOV Qurolboy, fizika-matematika fanlari doktori, professor, OLLAMOV Yarash, yuridik fanlari nomzodi, dotsent, OTAMURODOV Sa’dulla, falsafa fanlari doktori, professor, PRIMOV Azamat, filologiya fanlari nomzodi, dotsent, QUTLIYEV Uchqun, fizika-matematika fanlari doktori, professor, RO‘ZIMBOYEV Safarboy, filologiya fanlari doktori, professor, RO‘ZIYEV Erkinboy, pedagogika fanlari doktori, professor, SADULLAYEV Azimboy, fizika-matematika fanlari doktori, akademik, SAGDULLAYEV Anatoliy, tarix fanlari doktori, professor, SALAYEV San’atbek, iqtisod fanlari doktori, professor, SATIPOV G‘oipnazar, qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor, XODJANIYOZOV Sardor, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (mas’ul kotib), YOQUBOV Jamoliddin, filologiya fanlari doktori, professor, O‘ROZBOYEV Abdulla, filologiya fanlari doktori, O‘ROZBOYEV G‘ayrat, fizika-matematika fanlari doktori, G‘AYIPOV Dilshod, filologiya fanlari nomzodi, dotsent,
JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI	
2020 2 (152)	

MUASSIS: Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi Xorazm viloyat boshqarmasida 2011-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tgan. Guvohnoma №13-020.

ни англатиши шарт. Бусиз синонимия ҳақида гапириб бўлмайди. Ҳар бир синони шу синонимия уяси учун умумий маънодан ташқари ўзига хос маъно қиррасига эга бўлади. Синонимлар одатда бир ёки бир неча жиҳатдан фарқланади, шулардан бири маъно қиррасидаги фарқ бўлиши мумкин. “Ватанпарварларнинг айтишича, бу шаҳар миллий озодлик ғалаёни, кейинчалик эса фуқаролар муҳорабаси йиллари **ер билан яксон бўлган** экан”¹ мисолида келтирилган *ер билан яксон бўлган* – *ер билан яксон қилинган* ибораси кулини кўкка совурган – кули кўкка совурилган иборасига синоним: айти бир маъно (*бутунлай емирилган, йўқ қилинган*)ни англатади. Бу синонимлар, бошқа белги-хусусиятларидан қатъий назар, маъно қиррасида биров фарқ қилади: иккинчисида маъно бир қадар кучли. Фразеологик синонимларни ҳар хил образлар асосида ҳам яратиш мумкин. “Баъзида бир чимдим ғийбат ҳам қилиб оламиз, лекин беозоргина: билиб бўладими, ора-мизда айғоқчиси ўтиргандир!”² мисолида берилган “*бир чимдим*” ибораси муқо-биллари мавжуд: **бир оғиз, бир шингил**. Бу ибораларда турли образлар ифодаланган: бир оғиз (сўзлаш органи); бир шингил (узуннинг қисми); бир чимдим (миқдор ўлчови).

Антонимия тил бирликлари орасидаги семантик муносабат асосида белгиланадиган ҳодисалардан бири бўлиб, ибораларда ҳам сўзлардаги даражада учрайди. Антонимия ибораларнинг луғавий маъносини чуқурроқ англашга ёрдамлашади. Барча лексик компонентлари алоҳида сўзлар билан ифодаланган иборалар орасидаги антонимияни бел-гилаш осон. Синонимияда бўлганидек, антонимик муносабат ҳам полисемантик ибораларда ҳар бир маънога нисбатан алоҳида белгиланади. Қуйидаги мисолларда антоним ибораларни кўришимиз мумкин: “Уни варақламаслик, уни менсимаслик – шундоқ ҳам кам-кемтик Паканани баттар камситиш, **ерга уриш** билан баробар; бу тарихсиз унинг ҳаёти ғариб, ўзи эса қиёмат Пакана эмас, оддий бир бўйи паст-пачоқ кимса бўлиб қоладики, унақалар оламда сон-мингта, ҳар бирини таърифламоққа бу танбал қаламга сўз қани, сиёҳ қани!”³ Кечагина чангини чиқариб сўкиб юрганлар тўкин дастурхон устида муаллифни **кўкларга кўтариб** мақташди, «Тагин жиндаккина ишланса, «Келинлар кўзғолони»дан ўтиб кетади», дея башорат қилишди.⁴ Ушбу мисоллардаги “**ерга уриш**” ва “**кўкларга кўтариб**” фразеологизмлари бир-бирига антоним фразеологизмлардир.

Фразеологизмлар халқ руҳиятини тилда акс эттирувчи воситалардан бири. Буни мисоллар таҳлилида ҳам кўриш мумкин. Улар миллатнинг маънавияти, тарихи ва турмуш тарзини ўзида яққол ифодалайди. Фразеологизмлар тилнинг миллийлик даражасини сақлаб қолиш ва юксалтиришда хизмат қилувчи асосий омиллардан биридир. Таҳлиллар шунини кўрсатадики, ўзбек тилидаги фразеологизмлар ўзига хос маъно-шакл хусусиятлари ва таснифларига эга. Фразеологизмлар грамматик категорияларга эга бўлиб, уларни маъно-шакл муносабатига кўра омонимия, синонимия, антонимия ва паронимия турларига ажратиш мумкин.

Садақбарова Саодат Парҳаджановна
(Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ўқитувчиси)
ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ГАСТРОНОМИК ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ
ТАРЖИМАСИДАГИ ЎХШАШЛИКЛАР

Аннотация. Мақоланинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларида гастронимик фразеологик бирикмаларни қиёсий ўрганиш билан биргаликда, уларнинг келиб чиқиши қайси давр-

¹ Эркин Аъзам. Чапаклар ёки чалпаклар мамлакати (қисса) «Шарқ», Тошкент, 2007, 20-бет.

² Эркин Аъзам. “Жаннат ўзи қайдадир” бир йил битиклари (ҳикоялар, киноқиссалар, драматик асар ва публицистик миниатюралар) «Шарқ», Тошкент, 2007, 17-бет.

³ Эркин Аъзам. Пакананинг ошиқ кўнгли (Бўй ва мўй ўстириш тажрибаси ёхуд руҳ тарбияси). Қисса, «Шарқ», Тошкент, 2007, 1-бет.

⁴ Шу манба. 14-бет.

га ва ҳодисага боғлиқлигини таҳлил қилишдир. Мақолада инглиз тилида кенг қўлланиладиган иборалар билан биргаликда, унда камёб бўлган бирикмалар ҳам таҳлил қилинган ҳамда уларнинг келиб чиқиши, тарихи билан биргаликда, ўша даврда инсонларнинг ҳаёт тарзи ҳақида маълумот бериб кетилган. Муаллиф халқ дунёқараши, жамият тузилиши ва урф-одатларини чуқур ўрганишида фразеология ҳамда фразеологик бирликларининг ўрни жуда муҳимлиги ҳамда фразеологизмнинг барча соҳалари каби, иборалар ҳам гоят муҳим аҳамиятга эгалигини муаллиф тарихий фактлар билан кўрсатиб ўтган.

Аннотация. Данная статья обсуждает важность гастрономических идиом и их общую определения. Также в статье объясняется термин «гастрономия» и её использование в данном контексте. Данная статья актуальна на сегодняшний день, так как является первой попыткой сопоставительного изучения истории и культуры английских и узбекских параллелей фразеологизмов с гастрономией. В данной статье осуществляется распределение фразеологизмов по этимологическим разрядам. Это предоставляет возможность выявить специфику гастрономических фразеологизмов.

Annotation. The article discusses the importance of English and Uzbek gastronomic idioms and their general explanation. The article discovers the meaning of the unit gastronomy and its usage in this context. The most valuable and significant part is the identification how idioms reflect the ethnic and cultural identity of a given nation. Gastronomic idioms can be analyzed in three different perspectives, i.e. the international, national and local. The article proves the idea that gastronomic idioms are best option to learn about nation and its traditions. Gastronomic idioms are signs of any nation and can illustrate history and culture of nation. English and Uzbek idioms were excerpted from a variety of lexicographic works and analyzed in a cultural perspective. Several English idioms have been studied and it becomes clear that they have a strong link with history and close tie with religion.

Калим сўзлар: этимология, ибора, фразеологизм, миллий, маданий, семантика.

Ключевые слова: этимология, фразеологизм, фразеология, национальный, культурный, семантика.

Key words: etymology, phrase, phraseology, national, cultural, semantics.

Тилнинг фразеологик фонди халқ маданияти ва менталитетининг қимматли маълумотлар манбаи саналади. Фразеологизмларда муаяян халқнинг мифлари, удумлари, ривоятлари, таомиллари, урф-одатлари, маънавияти, ахлоқи кабилар ҳақидаги тасаввурлари мужассамлашган бўлади. Машҳур рус тилшуноси Б.А.Лариннинг таъкидлашича, Фразеологизмлар ҳар доим халқ дунё қараши, жамият тузилиши ва ўз даврининг мафкурасини билвосита акс эттиради. Ш.Усмонова фразеологизмларнинг семантикасида халқ маданияти ривожининг узоқ жараёни акс этади. Ҳар бир тилнинг фразеологизмларида халқ ҳаётига мансуб ижтимоий тарихий воқеа ҳодисалар, ахлоқий ва маънавий маданий меъёрлар, диний тасаввурлар, миллий анъана ва урф-одатлар, маданий стереотиплар ва архетиплар ўз аксин топган бўлиб, улар авлодан-авлодга узатилади деб таъкидлаган. Ф.И.Булсаевга кўра, фразеологизмлар ўзига хос кичик дунё бўлиб, улар аждодлар томонидан авлодларга мерос қилиб қолдирилган ахлоқий қоидалар ва ҳаққоний фикрларни ўз ичига олган қисқа хикматли ифодалардир ҳар қандай миллий тилнинг жонидир.¹

Қадим қадимдан дунё халқлари турли шаклларда бир-бирлари билан ижтимоий сиёсий, иқтисодий, маданий, абадий алоқаларда бўлиб келганлар ва бир-бирларига ўзаро таъсир кўрсатганлар. Бундай алоқалар ҳозирги кунда ниҳоятда жадаллашиб бораётгайга қарамай, бу жараёнда ҳар бир халқ ва миллат ўзлигини йўқотмаган, миллийлигини сақлаган ҳолда умумбашарий қадриятлар билан уйғунлашуви таррақиёт тақозосидир. Шундай экан, бугунги кунда халқлар тили ва маданиятини ўрганиш, уларни қиёсий тадқиқ этиш, лин-

¹ Усмонова Шоира. Таржиманинг лингвوماданий аспекти. Тошкент, ТДШИ, 2017, 89–105-бетлар.

гвистика ва таржимашуносликнинг муштарак муоммоларини ҳал қилиш ҳар жиҳатдан долзарб вазифа ҳисобланади.

Ҳар бир миллатнинг илғор фикри, зиёли ва маърифатпарвар вакиллари бутун дунё халқларининг ҳамжиҳат бўлиб яшаши учун хизмат қилиб келадилар. Бу мураккаб вазифани бажаришда тилшунослик ҳамда таржимашуносликнинг ўрни жуда катта. Бугунги тилшунос тилни билиш билан кифояланмайди, у ўзига халқнинг ижтимоий ҳаёти халқнинг ўзини ўзи англаши, унинг менталитети, миллий характери ҳаёт тарзи, анъаналари, урф-одатлари, ахлоқи, қадриятлар йиғиндиси ва дунёқараши ҳақида чуқур билимга эга бўлиши керак. Халқ дунёқараши, жамият тузилиши ва урф-одатларини чуқур ўрганишда фразеологизмларнинг ўрни жуда муҳим. Фразеологизм халқнинг тарихини, маиший ҳаётини унда мавжуд бўлган воқеа-ҳодисаларни, жамиятдаги айрим шахсларнинг хулқ-атворини акс эттиради. Ўзбек ва инглиз тиллари ниҳоятда бой ҳазинага эга бўлиб, бу иборалар ўзлари таалукли бўлган тилларнинг беағи, чиройи ва бадийлиги ҳисобланади. Фразеологизмлар ҳаётнинг ҳамма соҳаларини қамраб олган. Улар даладаги деҳонлар, денгиздаги денгизчилар, пазандалар, савдогарлар, саънаткорлар, сайёҳлар ва шу каби кўпгина соҳа вакиллари томонидан яратилган. Вақт ўтиши билан бу иборалар энг таъсирчан саналган адабий тилга кириб келади, яъни улар ўзининг тор маъносидан кенг маънога кўчади. Масалан, инглиз тилидаги “Fat in the fire” (оловга ёғ қуймоқ) ¹ ошхонада ошпазлар нутқида пайдо бўлган, кейинчалик бошқа соҳаларда қўлланилган. Бу иборанинг ўзбек тилидаги эквиваленти “Оловга ёғ қуймоқ”дир. Кўриниб турибдики, бу ибора ҳам озиқ-овқат компоненти билан ифодаланилган.

Айниқса, миллий-маданий, хусусиятли фразеологизмларни шакллантиришда гастрономик фразеологизмлар ўзига хос аҳамиятга эга. Инсоният бу дунёга келибдики, унинг ҳаётини озиқ-овқатсиз тасаввур қила олмаймиз. Шундай экан, гастрономик фразеологизмлар тарихи инсониятнинг онгли ҳаёти билан бошланади. Гастрономик фразеологизмларнинг шаклланиши ҳар бир тилда ўзига хос ўрин эгаллайди. Аввало, шунини қайд этиш лозимки, озиқ-овқат билан алоқадор хилма-хил лисоний ассоциациялар шу касб-кор эгаларининг иш жараёни, қолаверса, улар томонидан тайёрланган таомларнинг у ёки бу хусусиятлари муайян образларнинг шаклланишига асос бўлган. Мана шу образликка боғлиқ ҳолда кўплаб фразеологизмлар шаклланган.² Гастрономик фразеологизмларга биз кундалик ҳаётда истеъмол қиладиган озиқ-овқат, ичимликлар, хўл мева ва ҳамда сабзавот компонентли фразеологизмлар дейилади. Ҳар бир тилда озиқ-овқат номи ишлатилган фразеологизмлар шу миллатнинг энг қадимий ва ҳақиқий маданияти ҳақида маълумот беради. Зеро, аксарият халқларнинг маданиятида яшаш воситаси бўлган озиқ-овқатга ҳар доим буюк неъмат, риск-рўз сифатида муносабатда бўлинган. Гастрономик фразеологизмлар қаторига қиладиган гўшт маҳсулотлари, ичимликлар номи, тухум номи, пазандачилик, нон, хўл мева, сабзавотлар ва сут маҳсулотлари номи ишлатилган иборалардир. Бу ибораларнинг таҳлили шунини кўрсатдики, ўзбек тилида гўшт маҳсулотлари номи ишлатилган иборалар сони йигирматага етган бўлса инглиз тилида бу ибораларнинг сони ўн бешта. Ўзбек тилида гўштнинг бир бурда қиламан, гўштининг ейман каби иборалар кўпроқ салбий маънода ишлатилса, инглиз тилшунослигидаги *to be meat and drink, one man's meat is another man's poison*¹ ибораларида чуқур маъно ва мазмун борлигини кўришимиз мумкин. Бу борада ичимликлар номи ишлатилган сони анча юқори инглиз тилида ҳам ўзбек тилида ҳам чой, қаҳва ва сув компонентли иборалар жуда кўп учрайди. Ўзбек лингвистикасида чойчақа, ширин чой, қадаҳ кўтармоқ, каби иборалар учрайди, лекин уларнинг сони жуда кам. Аммо ўзбек тилшунослиги сув компонентли ибораларга бой, уларнинг сони ўттизтага ет-

¹ Ammer Christine. Dictionary of idioms. New York, Houghton Mifflin Harcourt, 2013, p. 325.

² Эшонкулович, Маматов Абдуғафур. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масаллари. Т., “Ўзбекистон”, 1999, 47-бет.

¹ Farlex. Idioms and slang dictionary. Huntingdon valley: Farlex international, 2017, p. 42.

ди. Булардан, сув текин, сув куйгандек, сувдан куруқ чикмоқ каби иборалар ўзбек халқининг сувни қанчалик улуғлашини ва қадрлашини кўриш мумкин. Биз биламизки, чой Англия маданиятининг бир қисмига айланиб бўлган, балки шунинг учундир инглиз тишунослигида чой компонентли иборалар жуда кўп учрайди. Англиядаги чойга бўлган муносабатни *A storm in a tea cup, all the tea in China, be not (one's) cup of tea, tea and sympathy tea party*¹ каби иборалар орқали билиб олшимиз мумкин.

Гастрономик фразеологизмларнинг таркибига кирадиган озиқ-овқат компонентли иборалар ҳақида сўз борганда унинг катта қисмини эгаллаган ҳўл мева ва сабзавот номлари ишлатилган ибораларни кўришимиз мумкин. Таҳлилимиз шуни кўрсатдики, ўзбек ва инглиз тилшунослиги бундай фразеологизмларга бой ва улар иккала тилнинг чуқур мазмуни ва гўзаллигини кўрсатади. Ўзбек тилида кирикдан ортиқ ҳўл мева ва сабзавот компонентли иборалар таҳлил қилинган бўлса, инглиз лексикологиясида бундай иборалар сони олтмишга етди.

Гастрономик фразеологизмларнинг тадқиқ этилиши. Гастрономик фразеологизмларнинг яна бир жиҳати шундаки, уларнинг маъно ва услубий вазифа жиҳатларидан ўхшаш эквивалентлардан гоҳо бир тилдагисининг образлиликни юзага келтирадиган таянч компонента иккинчисидан бир компонентга кам бўлиб, фикрни нутқ маданияти доирасида ифода этиш масъулияти бу ерда ҳам ҳар қайси тил меъёрига риоя қилиш заруратини туғдиради. Масалан, ўзбеклар неч қачон «Нон ҳақи» ўрнига инглизлар сингари «Нон ва туз ҳақи» (*By bread and salt*) деб қасам ичмаганларидек, инглизлар ҳам «Бировнинг нонини емоқ ва тузини ичмоқ» (*To eat somebody's bread and salt*) ўрнига ўзбеклардек «Бировнинг тузини ичмоқ» демайдилар. «Яхши қуролланмоқ» ҳамда «Бировнинг асабига тегмоқ» тушунчаларининг образли ифодаси учун ишлатиладиган фразеологизмларнинг инглиз ва русча вариантлари таркибларидаги компонентлар миқдори ҳам уларнинг ўзбекча эквивалентларидагидан биттадан компонентга кам бўлиб, таржима тили бирликлари лексик таркибларининг қабул қилинган анъанавий тарзда қўлланилишигина ифоданинг тил меъёри доирасида талқин этилишига олиб келган.

Гастрономик фразеологизмларнинг инглиз ҳамда ўзбек адабиётшунослигида ҳам аҳамиятли ўрни бор. Улардан бири *an apple of one's eyes* бу ибора ўзбек тилида *кўз қорачиги*, яъни жуда ҳам яқин ва қадрдон инсон (кўпинча, фарзанд) ҳақида гапирганда ишлатилади. Инглиз тилида бу ибора 1611 йили Қирол Жамез Версионнинг таржималаридан кириб келган деган тахмин бор. Бироқ мазкур иборани Виллиам Шекспирнинг 1950 йилларда ёзилган “*A midsummer night's dream*” (Ёз тунидаги туш) асарида ҳам учратишимиз мумкин.² Буюк ёзувчи ва адиб Виллиам Шекспир инглиз фразеологизмига жуда катта ҳисса қўшган. Унинг асарлари турли хил фразеологик бирликларнинг шаклланишига асос бўлган. Ана шундай иборалардан яна бири *cannon fodder* ёки *food for power* рус тилидаги “пушечное мясо” ўзбек тилига куруқ ем иборасига мазмун ва шакл жиҳатдан мос келади. Кейинчалик, 1814 йилда Француз ёзувчи ва сиёсатчиси Шатобриан Фансуа Рене (1768 – 1848) “Банопарт ва Бурбон” мақоласида Наполеон тузумини қоралаб, “Инсон ҳаётига ва Франциясига нафрати шунчалар кучли эдики, янги келган аскарларни “хом ва куруқ ем” деб аташарди”, деб ёзади.

Бир-бирига дини, маданияти билан мутлақо ўхшамаган инглиз ва ўзбек халқларининг сўзма-сўз мос келадиган иборалари ҳам ҳайратланарли, албатта. Умуман, ҳар бир тилнинг хазинаси бўлган иборалар, асрлар давомида ҳар бир миллат урф-одатига, маданиятга, албатта, тарихга улкан ҳисса қўшган.

¹ Cobuld Collins. Dictionary of idioms. London: Harber Collins published Ltd, 1997, p. 126.

² Н.С.Ашукин, М.Г.Ашукина. Крылатые слова. Москва, “Правда”, 1986, с. 203.

MUNDARIJA

QISHLOQ XO‘JALIGI

Хамза Ибрагимов Аминбаевич, Каримов Равшанбек Аллаярови. Хоразм вилояти шароитига мос янги ғўза навлари.....	3
--	---

FALSAFA

Салимов Бахриддин Лутфуллаевич. Тасодиф диалектикасининг инсон тафаккурида тутган ўрни (Янги даврдаги инглиз ва француз фалсафасининг тахлили мисолида).....	8
Асатуллоев Иномжон Абобакир ўғли. Глобаллашув шароитида инсоннинг эмоционал ва интеллектуал инкирози масаласи.....	11
Жумаева Шохидат. Шахсни миллий тарбия асосида тарбиялашда оиланинг ўрни ва роли.....	14
Сайидова Муҳаббат Гаффаровна. Толерантность – основа мира и стабильности.....	16
Ravshanova Mahfurat Murod kizi. Traditional Values of Japan and Uzbekistan as a Factor in Preserving National Identity in the Context of Globalization.....	19

TURIZM

Музаффаров Асрор Мамалатинович. Замонавий туризмнинг моҳияти, турлари ва функциялари.....	23
---	----

TILSHUNOSLIK

Зияев Аваз Ихтиёрович. Интенсификация-деинтенсификациянинг қўшма гапларда ифодаланиши ва матн шакллантириши.....	28
Radjabova Marjona Axmadovna. Дунё тилшунослигида ономастик компонентли фразеологик бирликлар бўйича илмий-назарий қарашлар ва муносабатлар.....	31
Карабаева Барно. Когнитив тилшуносликка доир илмий мулоҳазалар.....	39
Умуркулов Зафар. Қиёс бадиий матндаги муҳим лингвопоэтик восита сифатида.....	44
Қурбанов Музаффар Абдумуталибович. Мулоқотда паралингвистик компонентлар таъсирида сўзларнинг турли маъноларни ифода этиши.....	48

ADABIYOTSHUNOSLIK

Эшниязова Айимхон. Қиссада қисмат тафтиши.....	54
Сотиболдиева Сарвиноз Рузиевна. Ризо Амирхонийнинг “Унинг мени” ижтимоий-тарихий романи поэтикасига оид баъзи мулоҳазалар.....	58
Равшанова Гулрухбегим Қахрамон қизи. Абдулла Ориповнинг ҳажвий қиёфа яратиш усуллари.....	61
Obidjonova Ma’suma Qosimjon qizi. Jahon adabiyotida mitti hikoya janrining genezisi.....	65

PEDAGOGIKA

Йўлдошев Муроджон Равшанович. Ёш футболчи қизларнинг координацион қобилятларини такомиллаштириш усулини тадқиқ этиш.....	69
Халикова Лилия Сағдуллаевна. Мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг жисмоний ривожланишини жисмоний тарбия ёки спорт машғулотида назорат қилиш усуллари.....	72
Sulaymonova Tanzila Zoir qizi. O‘quvchi-yoshlar tarbiyasida kitob mutolaasining ahamiyati.....	76
Юсупов Равшан Собиржанович, Мейлиев Хусин. Структура системы многолетней спортивной подготовки футболистов.....	80
Хусанова Машхура Қахрамановна. Методы и инновационные технологии в обучении студентов машиностроительного института.....	84
Шеров Закир. Дифференцированная методика тренировки студентов в беге на короткие дистанции на этапе углубленной специализации.....	87
Abdujabborova Kamola. Key Factors Affecting Language Acquisition Development of Efl Learners.....	92

ILMIY AXBOROT

Turdiyeva Hulkar Komilovna. Nutqiy akt lingvopragmatikasi: fors va o'zbek tillarida xayrlashuv birliklari.....	96
Абдуқаҳҳоров Сардорбек Акрамжон ўғли. Глобаллашув жараёнида нутқ маданияти тенденциялари.....	101
Usmonov Aslam. Bog'lovchilarning badiiy matnda pragmatik xususiyatlari.....	103
Примов Азамат Искандарович. Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асаридаги кийим-кечак ва безак буюмлари лексикаси.....	106
Shamuratova Intizor Bekchan qizi. Transliteratsiyaning badiiy matnda qo'llanilishi.....	110
Жўраева Мадинахон. Ислом тарихида биобиблиографик луғатлар эволюцияси.....	113
Jumayeva Zubayda Shavkatovna. Frazеologik birliklarning lingvokulturologik tadqiqi.....	117
Баротова Мубашира. Фразеологизмларнинг ўзига хос хусусиятлари (Э.Аъзам асарлари ми-солида).....	121
Саидакбарова Саодат Пархаджановна. Ўзбек ва инглиз гастрoномик фразеологизмларнинг таржимасидаги ўхшашликлар.....	124
Нармуратов Зайниддин Раджабович. Инглиз халқ мақолларида миллийлик ва универсаллик хусусиятларининг ифодаланиши.....	128
Зиётова Сурайё Эркин қизи. “Меҳробдан чаён” асарида паремияларнинг қўлланили-ши.....	133
Расулова Умида. Поэтик аңъана ва миллий киссалар.....	135
Худайберганова Умида. Бизга ҳамнафас шоир.....	138
Султонова Нилуфар Нарзуллаевна. Исажон Султон “Генетик” романининг услубий хусу-сиятлари.....	142
Лола Самандарова. Комил Аваз шеъриятида фольклоризмларнинг қўлланилиши.....	148
Искандарова Шарифа Мадалиевна, Ашуров Дилмурод Ахмадалиевич. Халқ дostonлари – лингвoмаданий birlikлар фонди.....	152
Қаршибаева Улжан. А.Конан Дойл асарларида кучли ва кўркмас персонажлар.....	157
Хулкар Мухаммедова. Инглиз адабиётида аёллар насри гендер тадқиқотлар аспектида...161	161
Ражабов Фахриддин Тошпўлoтович. Нуроталик тожикзабон ижодкорлар ҳақида мулоҳа-залар.....	164
Мухаммедова Нилуфар. Инглиз адабиётида шарқ аёли портрети.....	168
Қурбонова Элнурa Ғайбуллоевна. Мумтоз адабиётда ирфоний мазмун бadiий талқинининг тадрижий такомили.....	171
Курбанова Саида. Хуршид Дўстмуҳаммад бadiий публицистикасида шахс концепция-си.....	175
Eshmo'minova Tursunoy Boynazarovna. Bolalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishda badiiy adabiyotning o'рни.....	178
Рамазанова Шоира. Специфика представления композитов в «Словообразовательном сло-варе русского языка» А.Н.Тихонова.....	181
Маткаримова Джамиля Дурдиевна. Стратегия развития третьего сектора в разных стра-нах.....	183
Iskanova Nasiba, Bobokulova Gulchiroy. The Beneficial Influence of Reading Books in Realizing the World Better.....	188
Xujaniyozova Hilola Turayevna. The Importance of Stylistic Devices in the Court of Judicial's Speech.....	192
Egamberdiyeva Nodira Khamidovna. Assessment Strategies to Enhance Students' Progress in Learning.....	194